

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ
ДАВЛАТ СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон уз мустакиллигини кулга киритгандан сунг суғурта соҳасида туб узгаришлар юз берди. Иктисодий ислохотлар туфайли тармоқда ракобат асосида фаолият курсатадиган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келди. Бугунги кунда суғурта бозор инфратузилмасининг муҳим бугини сифатида иктисодиётни ривожланиши учун хизмат килмоқда.

Ўзбекистоннинг суғурта бозорини бошқаришда миллий манфаатларига мос келадиган катор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда иктисодий фаолиятнинг узаро уйғун дастаклари мажмуи-бозор институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Республикамизда тулақонли суғурта бозорини барпо этиш ва уни барқарор ривожланишини таъминлаш учун етарли даражада иктисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

“Маълумки, иктисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”¹. Шундан келиб чиқиб, суғурта муносабатларини ривожлантириш асосида суғурта бозорининг кўламини кенгайтириш айна пайтда долзарбдир. 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг, аввало, энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтириганлигини алоғида қайд этиш зарур². Янги суғурта

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи. 2008 йил 9 февраль.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. /Тошкент:”Ўзбекистон” 2010 йил.

ташкilotларининг пайдо бўлиши, суғурта ташкilotларининг узок қишлоқ жойларида ўз филиал ва бўлинмаларини очилиши, бунинг исботидир. Суғурта бозорига хизматлар таклиф этувчи суғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, бу борадаги чора-тадбирлар тобора чуқур кўриниш олмоқда.

Суғурта мукофотлари миқдори бир йил давомида 45 фоизга ортди ва 70 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди. Ихтиёрий шахсий суғурталаш бўйича суғурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб, 80 фоизга ортди, мулкни суғурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга ўсди.

Шунга қарамасдан, нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий миждозларни ҳам ишончини қозона оладиган суғурта хизматларининг кенг турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш миллий суғурта бозорини ривожлантиришдаги асосий муаммолардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, миллий суғурта бозорини жаҳон суғурта бозори талаблари асосида ривожланган мамлакатларнинг суғурта бозорлари даражасига етказиш ва халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш суғурта фаолиятидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирларининг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Битирув малакавий ишнинг тадқиқот мавзуси доирасида илмий изланишлар олиб борган хориж иқтисодчи-олимлар қаторига А.Александров, А.Архипов, Ю.Ахвледиани, В.Бельгх, И.Балабанов, С.Берёзика. А.Вагиер, В.Гарькуша, Ф.Герман, Б.Гомелля, Э.Кросита, И.Никулинз, В.Рябкина, Б.Сербиновский, Д.Тулентм, В.Шаховларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини ривожланишининг йўналишлари иқтисодчи-олимлар

М.Асқарова, Г.Ахунова, Х.Боев, Т.Баймуротов, О.Жўраев, Т.Иминов, Ш.Имомов, М.Мирсодиқов, А.Нуруллаев, Й.Турсунов, М.Ходжаева, А.Шермухамедов, Х.Шеннаев, Р.Хусанов, А.Ядгаровларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган. Шунга қарамасдан, давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Суғурта бозорида сифатли ҳамда ишончли суғурта хизматлари ва уларга етарлича талаб мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ этиш, илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот олдида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- давлат иштирокидаги суғурталовчилар, уларнинг фаолиятини ва уларнинг ривожланишининг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда давлат иштирокидаги суғурталовчилар, уларнинг фаолиятининг ривожланиши ва ҳолатини таҳлил қилиш, унга баҳо бериш;
- давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш ва мамлакатда ушбу муносабатларни ривожлантиришда улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини таъсирини тадқиқ қилиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозоридаги давлат иштирокидаги суғурта ташкилотлар, уларнинг амалдаги ҳолати ва суғурта ташкилотлари ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар тадқиқот объекти ҳисобланади.

Мавзунинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодий эркинлаштириш шароитида суғурта соҳасини такомиллаштириш юзасидан билдирган фикрлари ва назарий қарашлари, шунингдек, мавзу доирасида мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг назарий қарашлари ушбу тадқиқотнинг назарий асослари сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлиги, Суғурта назорати маълумотларидан фойдаланилди.

Тақиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- давлат иштирокидаги суғурталовчилар ва уларнинг фаолиятининг шакллантириш зарурияти ва унинг аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилди;
- Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг ривожланиши ва ҳолати таҳлил қилиниб, унга баҳо берилди;
- давлат иштирокдаги суғурта ташкилотлар фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари ривожланган мамлакатлар билан қиёсий таққосланди;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давлат иштирокдаги суғурта ташкилотлар фаолиятига таъсири тадқиқ қилинди;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлат иштирокдаги суғурта ташкилотлар ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакаий иш доирасида амалга оширилган таҳлиллар яқунлари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар мамлакат суғурта бозорини, яъни давлат иштирокидаги суғурта ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришга, суғурталанувчилар ва суғурталовчилар манфаатлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтказишда илмий-назарий асос сифатида хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Тадқиқот иши кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда

фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ жадваллар, расм
диаграмма ва схемалар келтирилган.

I. БОБ. СУҒУРТА БОЗОРИ ВА ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва унинг бозор иқтисоётида тутган ўрни

Суғурта бозори мавжуд бўлишининг асосий шарти, суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжуд бўлиши ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан характерланади.

Суғурта бозори субъектларнинг мустақил бўлишини, уларнинг ўзаро тенг имкониятлар билан рақобат олиб бориши, асосий муносабат суғурта хизматларининг олди-сотдиси бўйича, яъни суғурта хизматларини сотиб олиш горизонтал ҳамда вертикал ривожланиш алоқаларини олиб бориш билан таърифланиб келинади.

Илгари ҳамма корхоналар давлатнинг ихтиёрида булганлиги туфайли, уларни хар хил нохуш ходисалардан суғурта килишга эхтиёж булмаган. Сабаби, ушбу корхоналарга суғурта ходисалари натижасида зарар етказилса, бу зарарлар давлат маблағлари ҳисобидан бемалол копланаверар эди. Аммо, мол-мулкларни давлат ихтиётидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида секторида ун минглаб корхоналарни пайдо булиши, уз-уздан суғурта хизматларига булган талабни сезиларли равишда оширди. Негаки, илгариги тажрибадан фаркли равишда нодавлат секторидаги корхоналар стихияли ходисалар туфайли зарар курганда, бу зарарлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан копланмайди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар суғурта тизимини тубдан узгартириб юборди. Давлат суғурта ташкилотларига рақобатбардош хусусий секторда мустақил суғурта компаниялари вужудга кела бошлади. Бу шубҳасиз, улар тенг фаолиятини тартибга соладиган махсус конун қабул килиниши талаб этди. 1995 йилнинг 6 майида Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгаши (ҳозирги Олий Мажлис) «Суғурта тугрисида» конун қабул қилди. 2002 йил янги конун “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” конун қабул қилинган. Ушбу конунлар суғуртани ривожлантиришнинг, суғурта бозорини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда суғуртанинг маъқеи ва урнини белгилаб беради, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талаблари туларок қондирилишини қамқоқлайди, суғурта муносабатлари барча иштирокчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур конунда давлат суғуртасининг монополиясига барҳам берилди. Бошқача айтганда, давлат суғурта ташкилотлари ва нодавлат суғурта ташкилотлари учун тенг шароитлар яратилди.

Маълумки, ҳар қандай бозорда сотувчи ва харидор бўлади ҳамда улар ўртасида тегишли товарлар (хизматлар) айирбошланади. Ҳудди шундай, суғурта бозорида ҳам сотувчи (суғурталовчи) ва харидор (потенциал суғурталанувчи) иштирок этади. Бу ерда потенциал суғурталанувчини тугридан-тугри суғурталанувчи, деб атасам қата ҳатога йўл қўйган бўламан. Негаки амалдаги конунларга мувофиқ суғурта компаниялари билан бевосита шартнома тузган, фуқаролик салоҳиятга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга суғурталанувчилар дейилади. Аксинча, суғурта «махсулотини» сотиб олишга эҳтиёжи бор, аммо ҳали суғурталанувчилар билан тегишли суғурта муносабатларига қиришмаган шахслар потенциал суғурталанувчилар деб аталади. Суғурталовчи- бу мамлакат ҳудудида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳамда суғурталаш ўзи учун асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслардир. Қўриниб турибдики, суғурта компанияси тегишли фаолият юритиши учун вақолатли давлат органининг лицензиясига эга бўлиши ва суғуртага боғлиқ бўлмаган операциялар билан шугулланмаслиги зарур.

Суғурталовчилар бозорга ўзларини ишлаб чиқарган ўзига ҳос махсулоти- суғурта хизмати тақлиф этадилар. Ушбу хизматлар юзлаб,

минглаб суғурта компаниялар томонидан сотилиши мумкин. Уз-уздан, бу ҳолат суғурта бозорида потенциал миждларни жалб этиш учун суғурта компаниялари уртасида ракобатнинг кучайишига олиб келади ва «махсулот»нинг сифатига иждбий таъсир курсатади. Энг асосийси, потенциал суғурталанувчи ҳар томонлама узининг талабини кондирадиган «махсулот»га эга булади. Суғурта бозорининг мохиятини чуқуррок англаб олиш учун кундалик ҳаётимиздан мисол келтирсак мақсадга мувофиқдир. Узимизга кийим-кечак сотиб олиш учун буюм бозорига борамиз. Айтайлик, бирорта кийим, аникроги, куйлак сотиб олмокчимиз. Бозорда куйлакнинг ҳар хили мавжуд, бахолари ҳам, нархи ҳам турлича. Биз, албатта, сифатли яхшисини ва баҳоси арзонини сотиб оламиз. Суғурта бозорида ҳам айнан шу жараён юз беради. Суғурта компанияси уз махсулотини бозорда сотар экан, зиммасига ката масъулият олганлигини унутмаслиги керак. Чунки, суғурталовчи озгина суғурта мукофоти эвазига йирик микдордаги рискни қабул қилиб олади ва суғурта ходисаси руй берганда зиммасидаги суғурта копламасини тулаши шарт. Шу уринда, мен суғурта компаниясига мурожаат қилишни истаган ёки муайян суғурта хизматига эҳтиёж сезган шахсларга суғурта шартномасини тузишдан олдин суғурта компаниясининг молиявий ахволи, баланси билан албатта танишиб чиқишларини маслаҳат берардим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқа товарлар ва хизматлар қаби, суғурта хизматининг ҳам баҳоси талаб ва таклиф асосида пайдо булади ҳамда бу баҳо узининг пастки ва юкори чегараларига эга. Суғурта тушумларининг микдори суғурта туловлари ва суғурта ташкилотлари харажатлари микдорига тенг булиши суғурта баҳосининг пастки чегарасини билдиради. Бундай шароитда суғурта компанияси асосий фаолиятдан фойда ололмайди. Куп ҳолларда суғурта бозоридаги кескин ракобат, суғурта ташкилотларининг потенциал миждларни жалб этиш мақсадида тариф ставкаларини қамайтиришга мажбур этади. Чет мамлакатларда, суғурталовчилар суғурта фаолиятдан зарар курганда, бу зарар инвестициядан келадиган даромад ҳисобидан копланади. Суғурта

хизмати баҳосининг юкори чегараси талаб хажми ва банк фоизининг микдори билан аникланади. Суғурта хизматининг маълум бир турига етарли даражада талаб мавжуд булганда, суғурта ташкилоти мазкур хизмат баҳосини юкори даражада саклаб туриши мумкин. Лекин, вақт утиши билан бозорда суғурта хизмати кўрсатиш турларининг купайиши билан, уз-узидан тариф ставкалари камаяди. Суғурта бозори ҳудудий жойлашувига қараб халқаро, минтакавий ва миллий суғурта бозорларига бўлинади. Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги суғурта муассасаларини ва улар фаолиятини уз таркибига олади. Ўзбекистон суғурта бозорида узига хос уринга эгадир. Масалан, актуарий суғурта хизматлари нарҳини аниқлашда қатнашувчи субъект саналади. Бунда, у қата сонлар ва эҳтимоллик қонунлари, шунингдек, статистик маълумотлардан фойдаланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта ташкилотлари актуарий фаолиятсиз суғурта хизматларига иқтисодий асосланган нарҳларнинг белгиланишини таъминлай олмайди. Актуарий суғурта фаолиятини стратегик режалаштириш суғурта соҳалари класслари шунингдек компания бўйича суғурта портфели таркиби ва сифатининг таҳлили қаби жараёнларда иштирок этади. Айрим давлатларда суғурта ташкилотининг ҳисоботи унинг ваколатли шахсларидан ташқари актуарий томонидан ҳам тасдиқланишини талаб этилади.

Суғурта бозорининг инфратузилмасининг яна бир асосий субъекти бу авария комиссаридир. У суғурта ходисаси юз берганидан сунг шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятда иштирок этади. Таъкидлаш мумкинки, авария комиссари суғурта ташкилоти билан тузган шартномаси асосида фаолият юритади. У суғурта ташкилотининг вакили сифатида суғурта ходисаси оқибатида зарар қурган мулкни қуриқдан утқазади унинг қулами ва сабабларини аниқлайди ҳамда авария сертификатини тузади. Баъзи мамлакатларда суғурта ташкилоти томонидан авария комиссарига маълум лимит доирасида йуқолган мулкни қидириш харажатларини амалга ошириш ҳуқуқини ҳам берилиши мумкин.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда суғурта ташкилотининг узи ёки ходисанинг турига қараб тегишли ташкилот (йул патрул хизмати, баҳоловчи ташкилот ва бошқа) лар томонидан авария комиссарининг вазифаси бажарилмоқда. Бу ҳолат, албатта суғурта хизматининг сифатига уз таъсирини утказмода.

Кейинги йилларда Ўзбекистон суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мазкур жараёнда авария комиссари фаолиятининг йулга қуйилиши ва ривожлантирилиши турли субъектларнинг суғуртага бўлган ишончлари ортишига омил бўлади.

Суғурта бозори инфратузилмасида авария комиссари билан «ёнма-ён» сюрвейер ва диспашерлар каби субъектлар ҳам фаолият курсатади. Сюрвейер- бу махсус эксперт бўлиб, у суғурта объектларини суғурта ташкилоти суровига асосан қуриқдан утказувчи субъект саналади. У суғурталанувчи томондан объектни қуриқдан утказиш учун жалб этилиши ҳам мумкин. Таъкидлаш лозимки, унинг авария комиссари билан узаро ухшаш ҳамда узига хос фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари сюрвейернинг ихтисолашганлик даражаси одатда авария комиссарига нисбатан юқори саналади. Шунинг учун авария комиссари ҳам баъзан сюрвейер хизматидан фойдаланади.

Суғурта бозорида авария комиссар ива сюрвейер билан биргаликда диспашер ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур фаолият денгиз суғуртаси билан боғлиқлиги сабабли асосан денгиз бўйи давлатларида ривожланган. Мол-мулк ёки бошқа объектлар денгиз орқали манзилга етказилиш жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган, турли рисклардан суғурталанади. Маълумки, денгиз транспортида бир неча субъектларнинг мол-мулки юкланган ҳамда улар суғурталанган бўлиши мумкин. Денгизда суғурта ходисаси юз бериши оқибатида мулкларнинг зарарланиши умумий авария деб номланади.

Умумий авария ҳолатида ҳар бир мулк эгаси қанча зарар қурганлигини аниқлаш лозим бўлади. Айнан шундай фаолиятни диспашер амалга оширади,

хамда у қурилган зарарни ҳисоблаш ва уни ҳолисона тақсимлаш билан шугулланувчи мутахассис ҳисобланади. Зарарнинг ҳисоби бўйича тузилган ҳужжат диспаша деб номланади.

Суғурта бозори инфратузилмасида суғурта воситачилари профессионал иштирокчилар сифатида узига ҳос уринни эгаллайди. Улар суғуртачи ва суғурталанувчи уртасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш борасида муҳим субъектлар ҳисобланади. Суғурта воситачиларининг таркибига суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари каби субъектлар қиради. Хусусан, суғурта агенти бу суғурта ташкилотининг номидан ёки унинг топширига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва унинг ижро этилишини ташкил этувчи юридик ва жисмоний шахсдир.

Суғурта брокери эса суғурталанувчининг номидан ёки топширигига асосан шартномани тузиш ва унинг амал қилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади. Суғурта воситачилари суғурта маҳсулотини сотиш бўйича махсус тизимга эга бўлиб, суғурта бозорининг узига ҳос инфраструктурасини ташкил этади.

Суғурта бозори инфратузилмасида аудиторлик ташкилотлари ҳам узига ҳос уринга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги Қонунига мувофиқ суғурта ташкилотлари ҳам аудиторлик текширувидан утишлари мажбурий қилиб белгилаб қўйилган. Аудиторлик текшируви суғурта ташкилотининг суровига асосан амалга оширилади. Унинг натижасига қура, аудитор суғурта ташкилотининг суровига асосан амалга оширилади. Унинг натижасига қура, аудитор суғурта ташкилотининг молиявий ахволи юзасидан ўз хулосасини беради. Мазкур хулосада суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати акс эттирилади. Суғурта ташкилоти аудитор тақдим этган хулосадан қелиб чиқиб, узининг молиявий ҳолатини яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда уни амалга оширади.

Суғурта фаолияти узига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, махсус бухгалтерия ҳисобини юритиш таркибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Юқоридагилардан ташқари махсус ихтисослашган маслахатчилар ҳам суғурта бозори инфратузилмасининг субъекти сифатида фаолият юритишлари мумкин. Мазкур субъектлар жумласига ихтисослашган ва кенг камровли маслахат бюrolари, адвокатлик ҳамда баҳоловчи фирмаларни киритиш мумкин. Мамлакатимизда маслахатчилик хизматининг ривожланганлик даражаси ҳозирда юқори эмас ва мазкур мутахассислар суғурта фаолиятида деярли иштирок этишмаяпти.

Суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараёндир. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча узгача тарзда кечмоқда.

Суғурта бозори инфратузилмасида алоҳида мустақил фаолият кўрсатиши лозим бўлган суғурта воситачилари, аудиторлари, суғурта объектларини баҳоловчи (эксперт) лар ҳамда бошқа субъектлар, хорижий амалиётдагидан фаркли равишда, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотларнинг узига бириктирилган. Гарчи, суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланиши сустр кечаётган бўлсада, суғурта ташкилотларининг ўз инфратузилмасини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлари кузга ташланмоқда. Хусусан, бу борада «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг етакчи бўлаётганини, унинг қошида «Суғурта олами» номли суғурта бизнесини уқитиш ва «Инновация ва суғурта хизматларини ривожлантириш» марказлари, «Ўзбекинвест Эксиминформ» маркетинг ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентликлари «Ўзбекинвест Сармоялари» инвестицион компания шунингдек, бошқа шуъба корхоналар самарали фаолият курсатаётганлигини қайд этиш мумкин.

Суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш ва унинг субъектлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Хусусан, мамлакатимизда суғуртачилар уюшмасини ташкил этиш, актуарий,

сюрвейер каби субъектларнинг фаолиятини йулга куйиш мухим ахамият касб этмокда. Таъкидлаш жоизки, бу жараён суғурта бозори инфратузилмаси субъектларнинг алохида ихтисолашувини хамда уларнинг фаолиятини узаро мувофиклаштиришни такозо этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги таъминловчи омиллардан бир булган суғурта бозорини иктисодий, назарий ва ҳукукий асосларини тадқиқ этиш натижалари куйидаги хулосалар чиқаришга асос булди:

1.Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар даврида суғурта фаолиятининг мазмун-моҳияти тубдан узгарди. Бозор инфратузилмасининг таркибий қисми булган суғурта бозорининг узгариши, кулами ва йуналиши кенгайиб бораётганлиги, уни стратегик ахамиятга эга булган соҳа сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

2.Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг иктисодий-ҳукукий базасининг яратилиши унинг ривожланиши учун объектив шарт-шароит тугдирди. Шунингдек, суғурта бозори фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми яратилди ва такомиллаштириб борилмокда. Суғурта бозори раванкида «Суғурта бозорини ривожлантириш ва ислох қилиш йуналишлари» тугрисидаги Қонуни мухим ахамият касб этмокда.

1.2. Суғурта бозори ва унинг профессионал иштирокчиларининг хориж тажрибаси

Суғурта бозорининг ҳолатига баҳо беришда хориж тажрибасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ривожланган мамлакатлар суғурта бозорида бизнес кўлами анча кенг. Айниқса, Буюк Британия ва АҚШда суғурта бозори юқори суръатларда ривожланган.

Буюк Британия молия институтлари биринчи навбатда суғурта компаниялари, саноат корхоналарининг йирик миқдордаги акцияларга эга ва бу ҳолат суғурта ва саноат капиталининг бирлашишига олиб келмоқда. Маълумотларга кўра, суғурта компанияларининг қарийб 30 фоиз активи йирик саноат компанияларининг акциясига тўғри келади. Бугунги кунда, Буюк Британияда аҳоли ва корхоналарининг вақтинча бўш маблағларини иқтисодиётга жалб этишда суғурта компаниялари ўзига хос мавқега эга.

Бозор муносабатлари асосида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари Буюк Британия иқтисодиётининг муҳим стратегик соҳаси ҳисобланади. 2008 йилда суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари умумий 157,5 млрд.фунт стерлингдан ошиб кетди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг 12,5 фоизини ташкил этади.

1.2.1-жадвал

Айрим ривожланган мамлакатларда тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи (2008 йил)³

т/р	Мамлакатлар	Салмоғи, фоизда
1.	Тайван	14,13
2.	Буюк Британия	12,50
3.	Швейцария	11,76
4.	Япония	10,47
5.	Нидерландия	9,93

³ www.swissre.com.

6.	Жанубий Корея	9,71
7.	АҚШ	9,44
8.	Франция	9,42
9.	Гонгконг	9,03
10.	Финландия	8,77
11.	Сингапур	7,50
12.	Канада	7,09

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, йиғиб олинган суғурта мукофотларининг деярли 45 фоизини суғурта компанияларининг чет мамлакатларда олиб борган суғурта операцияларига тўғри келади. Буюк Британия тўлов баланси структурасини таҳлил қиладиган бўлсак, валюта тушумларининг 50 фоизи суғурта мукофотлари ҳисобига тўғри келганлигини кўрамиз. Буюк Британия суғурта компаниялари жаҳоннинг 43 та мамлакатада суғурта операцияларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Ҳозирги пайтда, Буюк Британия суғурта бозорида хорижий мамлакатларнинг 150 га яқин компаниялари суғурта операцияларини амалга оширмоқда. Жаҳон миқёсида эришилаётган тижорат битимларининг анчагина қисми шу давлат ҳиссасига тўғри келади. Агар, тузилган битимларнинг ижроси бўйича эътирозлар келиб чиқадиган бўлса, суғурта компаниялари дарҳол бунга суғурта қопламасини тўлашади. Бу, ўз навбатида, бизнесни халқаро даражада ривожланиши учун шароит яратади.

Буюк Британия миллий суғурта компаниялари ўзларининг чет мамлакатлардаги бўлим ва филиаллари орқали халқаро суғурта бозорларида иштирок этмоқда. Хорижий мамлакат суғурта компанияларини Буюк Британия бозорларига интилиши, Лондонда халқаро аҳамиятга молик суғурта операцияларини амалга ошириш ва трансмиллий компанияларга хизмат кўрсатиш каби қизиқишлари билан боғлиқ. Юқорида кайд этганимиздек, суғурта компаниялари йиғган суғурта мукофотларининг катта қисми, уларнинг чет мамлакатларда олиб борган операциялари ҳисобидан шаклланади. Масалан, “Ройял Иншуранс” компанияси суғурта

мукофотларининг 68,4 фоизи ташқи манбалардан келиб тушган. Шунингдек, “Коммершиал Юнион” ва “Женерал экцидент” компанияларининг 60 фоизга яқин суғурта мукофотлари хорижий мамлакатлардан келиб тушган. Бу маблағларни асосий қисми АҚШ ва Канададан келиб тушади.

Кейинги йилларда Буюк Британия суғурталовчилари каттагина хажмдаги ўз маблағларини кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни молиялаштиришга юбормоқда. Ҳозирги пайтда кўчмас мулкка инвестиция жами инвестицияларнинг 15 фоизини (узок муддатли суғурта шартномалари бўйича) ташкил этмоқда. Кўчмас мулкка инвестиция қилишнинг ижобий хусусиятлардан бири шундан иборатки, кўчмас мулк пулнинг қадрсизланиш жараёнидан ишончли ҳимояланган. Аммо, бу инвестиция объектининг ҳам бир қанча салбий томонлари мавжуд. Масалан, амалиётда кўчмас мулкларни қисқа муддатда фойдали нархда сотиш анча мушкулдир.

Буюк Британияда 830 га яқин суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, суғурта компаниялари алоҳида суғурта турлари ва тоифалари бўйича операцияларни амалга ошириш учун махсус лицензия олишлари зарур. Белгиланган классификацияга асосан, 7 та узок муддати суғурта турлари ва 18 та умумий суғурта турлари мавжуд. Ҳозирги пайтда, Буюк Британия суғурта бозорининг асосини ташкил этадиган 300 та компания авиация суғуртаси, 433 та компания эса денгиз суғуртаси билан шуғулланмоқда.

Умуман олганда, Буюк Британия суғурта бозори икки қисмга бўлинган:

- ҳаётни суғурта қилиш бозори;
- умумий суғурта бозори.

Ҳаётни суғурта қилиш операциялари ушбу суғурта турларини амалга оширишга ихтисослашган компаниялар томондан олиб борилади. Ҳаётни суғурта қилиш бозорида, асосан, қуйидаги суғурта турлари бўйича шартномалар тузилади: ҳаётни индивидуал суғурталаш, нафақа ва аннуитетлар, соғлиқни узлуксиз суғурталаш, ҳаётни ва нафақани гуруҳлаб суғурталаш. Ҳаётни индивидуал тартибда суғуртаси бўйича солиқ

имтиёзларини мавжудлиги, ушбу суғурта тури бўйича катта миқдорда суғурта бадалларини йиғиш имконини беради. Айтиш керакки, суғурта компаниялари ҳаётни суғуртаси бўйича катта миқдорда суғурта қопламалари ҳам тўламоқда. Масалан, 2008 йилда ҳаётни индивидуал суғуртаси бўйича суғурталанувчиларга жами 17,6 млрд. фунт стерлинг маблағ тўланган.

Буюк Британияда аҳолига ва бошқа потенциал миждозларга суғурта хизмати кўрсатиш шу даражада ривожланганки, бунда ҳар бир оила ва фуқаронинг даромади ва манфаати ҳисобга олинади. Ҳозирги пайтда 12 та суғурта компанияси даромади унча катта бўлмаган шахслар учун ҳаёт суғуртасини жорий этган. Бу суғурта турининг ўзига хос хусусияти шундаки, суғурта мукофотлари 2 ойда бир марта йиғилади. Суғурта мукофотлари агентлар томонидан йиғилади ва уларнинг сони 35000 га яқин.

2008 йилда Буюк Британия суғурта компаниялари умумий суғурта турлари бўйича 54,0 млрд. фунт стерлинг миқдорида суғурта мукофотларини йиғиб олишган. Бу маблағларнинг асосий қисми ёнғиндан ва бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича келиб тушган.

Бошқа ривожланган давлатлар каби Буюк Британияда ҳам суғурта компанияларининг фаолияти тегишли давлат органлари томонидан назорат этилади. Биринчи маротаба, бу мамлакатда, суғурта компаниялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш 1870 йилда қабул қилинган ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар тўғрисидаги қонун билан жорий қилинган эди.

Бугунги кунда Буюк Британияда суғурта компаниялари устидан назоратни амалга ошириш Молия хизматлари назорати идорасига юклатилган. Ушбу идора мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компанияларига суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия беради. Одатда, лицензия суғуртанинг айрим турлари бўйича берилади. Европа Иттифоқи директиваларига мувофиқ узок муддатли суғуртанинг 7 класс ва умумий суғуртанинг 18 класс бўйича лицензия берилади. Суғуртанинг у ёки бу класс бўйича лицензия беришдан

олдин, Молия хизматлари назорати идораси суғурта компанияси ушбу класс бўйича суғурта операцияларини ўткази олишига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунинг учун, лицензия олишга талабгор компания идорага ариза билан бир қаторда бошланғич капитал, амалга ошириши мўлжалланаётган суғурта операциялари, суғурта полислари, суғурта мукофоти ставкаси, операция харажатлари тўғрисидаги маълумотларни бериши керак. Шунингдек, ташкил этилаётган суғурта компаниясининг раҳбари ва бош бухгалтери тўғрисидаги маълумот ҳам тақдим этилади.

Буюк Британияда суғурта иши шунчалик ривожланганки, буни мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган айрим қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, “Суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузган ҳар бир Буюк Британия фуқаросини ҳар қандай ҳолатда ҳимоя қилишни кафолатлайди. Бу ўз навбатида суғурталанувчиларни ишонч билан суғурта полисларини сотиб олишга ундайди. Юқорида қайд қилинган қонун талабларига мувофиқ, суғурта компанияси тугатилган тақдирда, унинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича Кенгашга юклатилади. Дастлаб, суғурта компанияси тугатилишидан олдин, Кенгаш компанияни молиявий ҳолатини соғломлаштириш юзасидан махсус тадбирларни амалга оширади.

Буюк Британия суғурта тизимида “Ллойд” корпорациясининг ўзига хос ўрни бор. “Ллойд”нинг ташкилий тузилмаси суғурта компанияларининг ташкилий тузилмасидан тубдан фарқ қилади. “Ллойд” Лондон шаҳрининг марказида жойлашган ва бу ерда суғурта операцияларини унинг аъзолари амалга оширади. “Ллойд”га аъзо ҳар бир андеррайтер суғурта операциясини ўзининг имконияти даражасида амалга оширади ва корпорациянинг бошқа аъзоларини мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Суғурта компанияларидан фарқли ўлароқ, “Ллойд” корпорацияси аъзоси тузилаётган шартномалар бўйича чекланмаган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши

мумкин. “Ллойд” аъзолари суғурта операцияларини амалга ошириши учун махсус синдикатларга бирлашган. Ҳозирги пайтда корпорациянинг 150 дан ортиқ тармоқ синдикатлари мавжуд бўлиб, улардан 100 яқини денгиз суғуртаси, 34 таси авиация суғуртаси, 27 таси автомобиль суғуртасига ихтисослашган синдикатлардир. Синдикатларга “Ллойд” андеррайтерлари бошчилик қилади ва у ушбу синдикатга аъзо бўлган бошқа андеррайтерлар номидан суғурта операцияларини амалга оширади. Потенциал миждозларни жалб қилиш бўйича синдикатлар ўзаро қаттиқ рақобат курашини олиб борадилар. Шу нуқтаи назардан “Ллойд”ни ўзига хос суғурта бозори деб аташ мумкин. “Ллойд”да барча суғурта операциялари брокерлик фирмалари воситачилигида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда “Ллойд”да рўйхатдан ўтган брокерлар 300 дан ортиқ. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам айрим суғурта компаниялари ва суғурта брокерлари “Ллойд” корпорацияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган.

“Ллойд” корпорацияси доирасида йиғиб олинadиган суғурта бадалларининг 30 фоизи денгиз суғуртаси ҳиссасига тўғри келади. Негаки, бу ерда азалдан савдо-сотиқлар денгиз ва океанлар орқали амалга оширилган. Айрим манбаларга кўра, Англияда дастлабки суғурта шартномалари, бундан тахминан 300 йиллар олдин, айнан, денгизда ташиладиган юклар ва кемалар билан боғлиқ бўлган.

Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда суғурта қопламасини оператив тўлаш мақсадида, “Ллойд” корпорацияси вақтинча бўш маблағларини қатъий фойзлар тўланадиган активларга инвестиция қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, “Ллойд” нинг ҳар бир аъзоси ҳар йили амалга оширган суғурта операциялари, суғурта мажбуриятлари тўғрисида корпорация аудиторида ҳисобот тақдим қилади. Аудитор, ҳисоботни текшириш натижасида камчиликларни аниқласа, уни дарҳол андеррайтерга хабар қилади ва бу, ўз навбатида андеррайтерни эҳтимол тутилган молиявий тангликка тушиб қолишдан сақлайди. “Ллойд”га аъзо бўлган синдикатнинг тўлов қобилияти ёмонлашганда, уни суғурталанувчилар

олдидаги мажбурияти, корпорацияда ташкил этилган махсус заҳира фонди ҳисобидан бажарилади. Бу заҳира фонди синдикатлар ажратган маблағлар ҳисобига шаклланади.

2008 йилда АҚШда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 9,4 фоизини суғурта мукофотлари ташкил этган. Бу кўрсаткич Франция, Канада, Италия каби тараққий этган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичидан сезиларли даражада юқоридир. АҚШда суғурта муносабатларини ривожланганлигини нафақат юқорида қайд этилган макроиқтисодий кўрсаткич орқали эмас, балки бошқа кўрсаткич орқали ҳам билиб олишимиз мумкин.

1.2.2-жадвал

Айрим ривожланган мамлакатларда тўпланган суғурта мукофотларининг аҳоли жон бошига тақсимооти (АҚШ доллари, 2008 йил)⁴

т/р	Мамлакатлар	Жами	Ҳаёт суғуртаси	Умумий суғурта
1.	Швейцария	5740,2	3308,6	2431,6
2.	Буюк Британия	4484,4	3190,4	1294,0
3.	Ирландия	3921,2	2590,7	1330,6
4.	Япония	3825,4	3044,4	831,0
5.	АҚШ	3790,2	1718,0	2072,2
6.	Дания	3684,8	2342,3	1342,5
7.	Франция	3218,7	2150,2	1058,5
8.	Финландия	3133,5	2461,0	672,5
9.	Германия	2285,2	1021,2	1264,0
10.	Канада	2206,2	926,1	1280,1
11.	Гонконг	2174,6	1835,9	338,7
12.	Тайван	1909,0	1494,6	414,4

⁴ www.swissre.com.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2008 йилда йиғиб олинган суғурта мукофотларини аҳоли жон бошига тақсимлаганда, бир АҚШ фукароси ўзини ва ўзига карашли мол-мулкларни суғурталашга бир йилда 3790,2 доллар сарфлаган. Юқорида кўрсатилган маблағнинг 2072,2 доллари умумий суғурта, 1718,0 доллари эса ҳаётни суғуртасига тўғри келади.

XX асрнинг сўнгги ўн йили мобайнида суғурта фаолияти Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Германия каби давлатларда жадал ривожланиб боришига карамасдан, АҚШ суғурта компаниялари жаҳонда ўзининг етакчилиқ мавқеини йўқотган эмас. 2008 йилда АҚШ Канада билан биргаликда жаҳонда йиғиб олинган суғурта мукофотларининг қарийб 36,2 фоизини тўпладилар. Кўриниб турибдики, бу жуда юқори кўрсаткич бўлиб, ушбу мамлакатларда суғурта муносабатлари кундалиқ ҳаётнинг ажралмас элементи эканлигидан дарак беради.

2008 йилда АҚШда 6000 мингга яқин суғурта компаниялари мавжуд бўлиб, уларда 2,6 млн.га яқин ходимлар фаолият кўрсатган. АҚШда суғурта бизнеси ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан бири, унинг янада байналминаллашувидир.

Жаҳон суғурта бозорида катта молиявий имкониятга эга бўлган АҚШ суғурта компаниялари бугунги кунда молиявий жиҳатдан барқарор ва дунё бўйлаб кенг ёйилган суғурта компаниялари ҳисобланади. Америка суғурта монополлари дунёнинг индустриал ривожланган мамлакатлари суғурта тизимининг тахминан 50 фоизини бошқаради. АҚШ да 8 мингдан зиёд мулкӣ суғуртага ва 2 мингга ҳаёт суғуртасига ихтисослашган компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир штат ўзининг суғурта қонунчилигига ва назорат органига эга. Суғурта фаолиятини назорат қилиш учун ягона федерал қонун мавжуд эмас, федерал даражада умумий тартибга солувчи ва назорат қилувчи орган суғурта комиссарлари миллий ассоциацияси ҳисобланади. Аммо ассоциация ҳукумат органи эмас. Ҳар бир штат капиталнинг минимал даражасига, таклиф этилаётган суғурта турларига ўз талабларини қўяди,

назоратдаги суғурта компанияларини тафтиш қилади, ушбу компанияларга, суғурта агентликлари ва брокерлик ташкилотларига лицензия бериш орқали суғурта фаолиятини умумий нazorat қилади.

АҚШ да икки турдаги суғурта компаниялари мавжуд: акциядорлик жамиятлари ва ўзаро суғурталаш жамиятлари. Давлат суғурта ташкилотлари мавжуд эмас. Андеррайтерлар ва суғурта брокерлари фаолияти кенг ривожланган. Барча суғурта компаниялари бўйича ташкил қилинган маълумотлар электрон банки мавжуд бўлиб, ушбу электрон банкнинг мавжудлиги рисклар бўйича, суғурта мукофотлари қиймати бўйича ва бошқа маълумотларни умумлаштириш имконини беради⁵.

АҚШ да суғурта компанияларининг самарадорлик даражасига уларнинг даромади ошиши ёки пасайиши, фойда коэффициенти, инвестициялар бўйича дебиторлик қарзларига қараб баҳо берилади.

АҚШ суғурта бозорида фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари орасида асосан мулкый, нафақа ва шахсий суғурта турларини амалга ошириб, миллий ва халқаро суғурта бозорида катта молиявий мавқега эга ҳисобланган “Стейт фарм мьючуэл отомобил иншуранс компани”ни, АҚШ миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси, мулкни суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва турли таваккалчиликлардан суғурталашни амалга ошириб келаётган “Сигна” компанияси санаб ўтиш мумкин. “Сигна” суғурта компанияси халқаро бозорда ҳам актив фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг 160 та бўлимлари дунёнинг жуда кўп мамлакатларида жойлашган бўлиб, уларда 50 мингдан зиёд ходим фаолият олиб бормоқда.

АҚШ миллий суғурта бозорида ва халқаро бозорда фаолият кўрсатаётган Американинг йирик суғурта компанияси “Америкэн интернэшнл групп” ёки “АИГ” нефт, газ, химия ва фармацевтика саноатини турли табиий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш ҳодисаларидан суғурталашни амалга ошириб келмоқда. Компания халқаро суғурта бозорида ҳам фаол иштирок этаётганлигини унинг 130 та бўлимлари дунёнинг турли

⁵ Ахвледзани Ю.Т. Страхование. - М.: ЮНИТИ, 2006. - 521 с.

мамлакатларида фаолият кўрсатиб, катта миқдордаги суғурта бадалларини йиғишга муяссар бўлаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу суғурта компанияси Ўзбекистон суғурта бозорида ҳам фаол иштирок этиб, унинг бу иштироки 1994 йилда “Ўзбекинвест” компанияси билан биргаликда “Ўзбекинвест интернэшнл” қўшма суғурта компаниясини ташкил қилиш билан бошланган эди⁶.

Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида кўрилган йирик зарарларни ҳукумат томонидан қоплаб беришдан чекиниб, бунда суғуртадан восита сифатида фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Бунда қайси мамлакат тажрибасидан фойдаланиш керак деган саволга жавоб бериш учун бир рақамга эътиборни қаратмоқ керак, яъни дунё суғурта бозоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта суғурталашдан олинаётган 8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг 5,5 млрд.АҚШ долларини, яъни 69 фоизини Шимолий Америка бераётганлигини айтиш кифоядир. Шунинг учун асосий эътибор Америка ва Канада бозорларига қаратилиши керак.

Ҳозирги кунда Шимолий Америкада полисларнинг уч тури таклиф этилмоқда: мультириск, дўлдан суғурталаш ва айрим экин турлари суғуртаси. Мультириск суғуртаси суғурта мукофотлари умумий суғурта мукофотининг асосий қисмини ташкил этади ва қишлоқ хўжалик экинларига барча турдаги табиий офатлар (шу билан бирга қурғоқчилик ва сув босиш) етказган зарарларни қоплаб беради. Дўлдан суғурталаш дўл етказган зарарларни қоплаб беради. Айрим экин турлари суғуртаси айрим экин турларига нисбатан қўлланилиб, бунда айрим ҳодисалар кўзда тутилади. Қайси экин тури ва қайси ҳодисаларни суғурталаш ҳар бир ҳудуднинг табиий хусусиятидан ва доимий экиладиган экин турларидан келиб чиқиб белгиланади.

Бу суғурта маҳсулотларининг энг асосий фарқли томонлари шундаки, мультириск Америкада федерал ҳукумат томонидан субсидияланади, Канадада эса федерал ҳукумат ва провинция ҳукумати томонидан

⁶ Шахов В.В. Введение в страхование. - М.: Финансы и статистика, 2006. - С. 268-271

субсидияланади. Хизматлар тижорат суғурта компаниялари томонидан кўрсатилганлигига қарамасдан суғурта шартномалари ва тарифлари давлат органлари томонидан назорат қилинади.

Суғурта хизматлари бозорининг хориж тажрибасини тадқиқ этишда ривожланган хориж мамлакатлари билан бирга, МДХ мамлакатларининг тажрибаларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу мамлакатлар иқтисодиёти кўп жиҳатдан миллий иқтисодиёт билан ҳам чамбарчас боғлиқ, ҳам яқиндир.

Ривожланган мамлакатларнинг суғурта бозори тажрибаларидан келиб чиқиб қайд этиш жоизки, суғурта хизматларининг янги турлари вужудга келмоқда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларига тегишли мол-мулкни суғурталашга талаби ошиб бормоқда ва шу билан бирга янги талаблар шаклланимоқда. Суғурта муносабатларида давлат монополияси барҳам топмоқда. Суғурта тизими бозор инфратузилмасининг муҳим тармоғи сифатида шаклланиб, иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Миллий бозор билан халқаро бозор ўртасидаги тафовутлар йўқолиб бормоқда ва натижада миллий бозорнинг дунё бозорига кириб боришига шарт-шароит яратилмоқда.

Шунга қарамасдан, мамлакатимиз суғурта бозорини янада ривожлантиришга бир қатор муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Жумладан:

- суғурта хизматларига фуқаролар ва юридик шахсларнинг талаби ҳамда тўлов қобилиятининг паст даражаси;

- суғурта соҳасида етарли даражада бозор механизмларидан фойдаланмаслик ва мажбурий суғуртанинг ривожланмаганлиги, чунки, мажбурий суғуртасиз ихтиёрий суғурта бозори фаол ривожлана олмайди;

- суғурта заҳираларини узоқ муддатли инвестиция қилиш воситаларининг самарали механизмини ишлаб чиқилмаганлиги;

- суғурта ташкилотларининг паст даражадаги капитализацияси, шунингдек миллий қайта суғурталаш бозорининг ривожланмаганлиги. Бу ўз навбатида, йирик қалтисликларни суғурталашга хорижий қайта

суғурталаш компанияларини жалб қилишга олиб келмоқда. Бу борада хорижий қайта суғурта компанияларига эркин конвертация қилинадиган валютада қайта суғурта мукофотларини тўлаб беришда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

- суғурта хизматлари бозорида ахборотнинг ёпиқлиги, бу ўз навбатида суғурталанувчилар томонидан барқарор суғурта ташкилотларини танлашда қийинчиликлар туғдирмоқда;

- суғурта компаниялари ва эксперт ташкилотлари ўртасида алоқанинг етарли даражада ривожланмаганлиги суғурта экспертизасининг мукамаллигини таъминлай олмаяпти.

II БОБ. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компанияси, унинг фаолияти таҳлили ва унинг миллий суғурта бозоридаги тутган ўрни

Бугунги кунда республикамиз суғурта бозорининг кескин суръатлар билан ривожланиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Албатта, бу ўз-ўзидан эмас, балки ҳукуратимиз томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор туфайлидир. Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш дастури доирасида соҳага оид ҳукурат миқёсида бир нечта қонун ва қатор меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, суғурта бозори иштирокчиларига ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиб берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618 сонли ва 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 872-сонли Қарорлари ўз талабларига кўра, суғурта инфратузилмасини такомиллаштириб, суғурта базорида соғлом рақобатни юзага келтирди. Шунингдек, суғурта компанияларининг инвестицион жараёнларидаги иштироки рағбатлантирилиб, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтиришга имкон берди.

Дастурнинг энг катта ютуғи унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида” ги ва “Иш берувчининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилинишидир. Бу қонунлар суғурта хизматларини аҳоли

ва ҳужалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-ҳукукий муносабатларини тартибга солувчи кундалик зарурат бўлишига олиб келди.. Бундан ташқари, қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ҳаёида тўлақонли татбиқ этилиши учун йигирмадан ортиқ меёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозим. Чунки, суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳукукий базасини халқаро амалиётга мувофиқ такомиллашуви натижасида кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолияти, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узок муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини оширишда, шунингдек, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялашишида, суғурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг изчил олиб борилиши йўлга қўйилди. Бундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланган “Ўзагросуғурта” компаниясининг ҳам доимий равишда ташкилий ва молиявий аҳволи барқарорлашиб бормоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёида суғурта хизматининг алоҳида ўрни бор. Шу боис мустақиллигимизнинг илк давраларида иқтисодиётнинг барча бўғинларида монополияга барҳам берилиб, хусусийлаштириш жараёни кечаётган бир пайтда Ўзбекистон суғурта бозорида давлат суғурта муассасаларининг устунлиги сақланиб қолди.

“Ўзагросуғурта” ДАСК ўз фаолиятини суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турларини амалга оширувчи 17-синфи бўйича олиб боради. Мазкур синфлардан келиб чиқиб, республика суғурта бозорида 80дан ортиқ суғурта турлари бўйича хизматлар тақдим этиб келинмоқда.

Компания таркибида 13 та вилоят дирекциялари, 172 та шаҳар ва туман бўлинмалари, 21та агентлик шўъба корхонлари ва 441та суғурта агентлик ваколатхоналари мавжуд.

Компания 1997 йилдан 2003 йилнинг 1 январигача 17 млрд. сўм миқдорида суғурта мукофотларини йиққан бўлса. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг 1 январига келиб, 79,8 млрд. сўмга етди.

Юртбошимиз раҳномолигида 2007-2010 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Дастурда бевосита компаниянинг қўшган ҳисса ҳақида тўхталадиган бўлсак, ўтган даврда “Узагросуғурта” ДАСКнинг мажбурий суғурта турларини амалга ошириш юзасидан олиб борган катор ижобий ишларини эътироф этиш мумкин. Хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фўқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда суғуртавий ҳимояни янада такомиллаштириш мақсадида компания республиканинг барча вилоятларида тегишли ташкилотлар иштирокида семинарлар ўтказилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида бу тур бўйича қонун кучга кирган кундан 2009 йил 1 октябрга, 4,3 трлн. Сўмлик суғурта жавобгарлиги олинди. Жавобгарлик доирасида миқдорларга 457,1 млн. сўмлик суғурта товонлари тўлаб берилди.

Суғуртанинг асосий курсаткичларидан бири калтисликларни бошқариш ҳисобланади. Хар бир давлатнинг тараккиётида калтисликларни бошқариш муҳим уринни эгаллайди. Калтисликларни бошқариш учун менинг фикримча вазиятни тугри англаш ва уни тулигича таҳлил эта олиш лозим. Ривож ланаётган давлатимизда тижорат ва хусусий банкларнинг фаолияти жадал ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам банклар фаолиятида юкори калтисликлар мавжуд. Жумладан юридик ва жисмоний шахсларга берилаётган кредитларни қайтарилиши, дизинг операцияларни амалга оширилиши, гаровга қўйиладиган мол-мулкнинг шартнома муддати тугугунча асраб авайланиши, банк ходимларининг жавобгарликлари, сихат саломатликларини таъминлаш, мавжуд мол-мулкни асраш, тадбиркорлик хавфлари- булар ҳаммаси ката калтислик ҳисобланади.

Калтисликларни олдини олиш учун эса, етказиладиган зараларни моддий томондан қоплаш ута муҳим, бунинг учун барча калтисликларни суғурталаш зарурдир.

Бунда сугурталовчилар тузилган сугурта шартномалари буйича зарарларни куплиги уларнинг тадбиркорликфаолиятига салбий таъсир курсатади.

Республика тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги худудий булинмалари билан сугурта соҳасидаги ҳамкорликларни янада кенгайтириш мақсадида доимий равишда ишлар олиб борилмоқда. Республика ТИФ Миллий банки, хлк банки, «Хамкорбанк», «Асака банк», «Агробанк» ва «Кишлоқ қурилиш банки» билан узаро ҳамкорлик қилиш буйича ытим имзоланди.

Давлат маблағлари ҳисобидан фермер хужалигига берилаётган имтиёзли кредитларни қайтарилишини сугурталаш буйича 2892 та сугурта шартномалари тузилиб, 31,3 млрд.сум сугурта жавобгарлигига олинди. Ушбу сугурта тури буйича 175 млн. сум сугурта товони тулаб берилди. Кишлоқ хужалик корхоналарига лизинг шартномалари асосида берилаётган кишлоқ хужалиги техникалари сугуртаси буйича 917 та шартномалар тузилиб, сугурта жавобгарлиги 46,2 млрд.сумни ташкил этди.

Тижорат банклари ажратилаётган кредитлар эвазига гаровга қўйилаётган мол-мулкни сугурталаш буйича 12052 та сугурта шартномалари тузилиб, 136,8 млн.сум сугурта товонлари банкларга тулаб берилди.

Аҳолии эҳтиёжлари учун тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ҳисобига сотиб олинаётган чорва-молларни сугурталаш буйича 90474 та сугурта шартномалари тузилиб, жавобгарлик доирасида турли табиий ҳодисалар натижасида нобуд бўлган чорва молларига 5,4 млн. сумлик сугурта товонлари тулаб берилди ва миқдорларнинг банклар олдидаги қарздорлиги камайишига эришилди.

Узоқ муддатли ипотека кредитлари қайтарилиши буйича 335та сугурта шартномалари имзоланиб, зарарланган уй-жойлар учун 39,4 млн. сум ҳажмидаги сугурта товонлари туланди.

Хозирги вақтда Республикамизда ривожланаётган истеъмол кредитларни кайтарилишини сугурталаш ишлари ташкил этилиб, ҳисобот даврида 59 та сугурта шартномаси кучга кирди.

2009 йил 9 ой давомида компания томонидан курсатилаётган сугурта хизматлари куламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, муассасанинг тулов қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳудудий бўлинмалар ва сугурта агентликларининг моддий техника базасини яхшилаш, фермер хужаликлари етиштираётган кишлоқ хужалиги экинлари ҳосили, мол-мулки ва аҳолии саломатлигини сугурталашни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, сугурта маданиятини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Натижада 2009 йил 9 ойида 2812096 та сугурта шартномалари кучга кириб, улар бўйича 3600,0 млрд.сум ҳажмидаги жавобгарлик олигди. Тузилган шартномалар асосида жами 22,2 млрд. сумм сугурта мукофотлари тушуми таъминланди. Бу эса утган йилнинг шу даврга нисбатан 8663,1 млрд.сумга ортиб ёки ўсиш суръати 164,6 фоизни ташкил қилди. Ўйилган сугурта мукофотларининг 10,3 млрд.суми ёки 46,6 фоизи мажбурий ва 11,9 млрд.суми ёки 53,4 фоизи ихтиёрий сугурта турлари ҳиссасига тугри келади. Мижозларга 3861,2млн.сум сугурта товонлари тулаб берилди.

Республика президентининг 2009 йил 7 сентябрдаги ПК-1183 сонли қарорнинг 7-банди топшириқларини бажариш мақсадида компания томонидан «Кишлоқ хужалик қорхоналарининг бўлғуси қузибошоқли қон экинидан қам қосил олиши натижасида қурақиган қолиявий зарарини сугурталаш қоидалари» қайта қуриб қикилди. 2010 йил қалла қосили учун қулланиладиган тариф ставкалари қайта тасдиқланди қамда янги, қосилдорлиги юқори бўлган селеқцион экин навларини сугурталашда имтиёз тариқасида амалдаги сугурта тариқларини 50 фоиз қидорида қулланилиши қорий этилди.

2009 йилда қалла ваа пахта экинларини қам қосиллиги бўйича сугурталашнинг изқиллиги таъминланиб, ҳисобот даврида қишлоқ хужалик

еорхоналари билан пахта кам ҳосиллиги сугуртаси бўйича 18583 та, галлав кам ҳосиллиги сугуртаси бўйича 3200 та сугурта шартномалари тузилиб, мутаносиб равишда 52,6 млрд.сум ва 5,1 млрд.сум жавобгарлик олинди.

Юкоридаги молиявий курсаткичлар аҳолии ва турли хужалик субъеклари уртасида сугурта маданияти, хусусан, ушбу тур хизматларга талаб ва кизикишнинг ортаётганлигини билдиради. Улар ишончини янада қозониш ва хизматлар сифат даражасини ошириш мақсадида компания ҳар томонлама чора-тадбирларни олиб бормокда. Чунончи, соҳадаги ахборот алмашувини ташкил этиш, ахборотларни қайта ишлашнинг тезкорликни таъминлаш мақсадида УзНет корхонаси билан ҳамкорликда 90 фоиз ҳудудий бўлинмалар марказлаштирилган алоқа тизимига уланишга эришилди. Ҳар бир сугурта тури бўйича тузилган шартномаларнинг электрон базасинияратиш мақсадида компьютер дастурлари ишлаб чиқилган ва ҳудудий бўлинмаларда жорий этилган. Бундан ташқари «Ижро интизом» ва «Кадрлар захираси» компьютер дастурлари жорий этилмокда. «Иш берувчининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тугрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш учун тузилган шартномалар бўйича олинган жавобгарликлар доирасида сугурта туловларини уз вақтида амалга ошириш учун ҳам алоҳида дастурт ишлаб чиқилмокда.

Соҳада кадрлар тайёрлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилган. Компания ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида, мазкур академия ҳузуридаги Олий бизнес мактабда ва Банк ва молия академиясида таҳсил олишмокда.

2.2. “Кафолат” Давлат акциядорлик сугурта компанияси фаолият йуналишлари ва унинг иктисодий курсаткичлар тахлили

Компания 2010 йилда ташкил топганининг 13 йиллигини нишонлади. Бу утган даврга бир назар ташлаш, килинган ишларни холисона баҳолаш ва салмогини улчаш учун етарли муддат эканлигини курсатади. Шу боис утган йил купгина асосий курсаткичлар буйича компания тарихидаги энг муваффақиятли йиллардан бири булганлиги кувонарли холдир.

2009 йил миллий сугурта бозори учун сугурта мукофотларининг тушуми сунгги йиллардаги бир мунча юкори курсаткич билан таснифланди. Жужладан, сугурта мукофотлари хажмининг утган йилги даражага нисбатан усиши 145,5 фоизни ташкил этди. Бундай усиш суратига давлат томонидан сугурта фаолиятини жадаллик билан ривожланишини рағбатлантирувчи конуний асосларнинг изчил яхшиланиши натижасида эришилди.

Хусусан, сугурталовчилар учун асосий фаолият буйича даромад(фойда) солигидан озод этиш буйича берилган имтиёзлар-агентлар, брокерлар, ассистанс хизмати, аджастерлар каби сугурта бозорининг барча профессионал иштирокчиларига жорий этилди. Бундай ёндашув ҳам мамлакатдаги, ҳам хорижий сармоядорлар учун сугурта соҳасининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга имкон берди ҳамда сугурта бозори инфраструктурасининг ёрдамчи элементларини сифатли ривожланишига асос яратди. Шунингдек, сугурта хизматларига булган талабнинг усишига корхона ва аҳолининг хаёт ва мулк сугуртаси харажатларига солик имтиёзлари жорий этилиши муҳим амалий ёрдам курсатди.

Шу вазиятда сугурта бозорида компания улуши илгарига даражада саклаб колинди. 2009 йил якунлари буйича сугурта мукофотлари умумий хажмида 6,95 фоиз курсаткич билан компания республикадаги етакчи бешта сугурталовчилар таркибига кирди. Соф мукофотлар хажми буйича эса мамлакатимиздаги сугурта компаниялари орасида бешинчи уринни эгаллади.

Бизнинг фикримизча, хусусий ва кичик корпоратив мижозлар билан ишлашнинг фаоллик даражасини акс эттирувчи сугурта шартномалари сони буйича компания Ўзбекистонда учинчи уринни эгаллаб келмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу натижалар компания раҳбарияти томонидан менежментни шакллантириш ва такомиллаштириш, молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, сугурта соҳасидаги ишончли ҳамкор сифатида компания мавқеини ошириш буйича олиб борган куп йиллик режавий ишларининг самараси уларок бўлди.

«Кафолат» ДАСКнинг 117 та филиал, ва бўлинмалари мавжуд ва улар актив фаолият юритишмоқда.

2009 йил якунига кура «Кафолат» ДАСКнинг устав капитали 2 001,34 млн АКШ долларини ташкил этди. Унинг асосий таъсисчиларини қуйидаги жадвалдан қуришимиз мумкин:

-жадвал

№	Таъсисчи (акционер)	Кайси давлатда регистрациядан утган ёки кайси давлат резиденти	Ҳақиқатдан жойлаштирилган сумма		Улуш (%)
			сумма	валюта	
1	2	3	4	5	6
1	ЎЗР Молия Вазирлиги	Ўзбекистон	611 381,58	минг.сум	20,38
2	ДАКС "Ўзагросугурта"	Ўзбекистон	828 727,20	минг.сум	27,62
3	МЭИСТ "Ўзбекинвест"	Ўзбекистон	170 092,48	минг.сум	5,67
4	"Асака" Банки (ОАЖ)	Ўзбекистон	113 850,28	минг.сум	3,80
5	"Ипак Йули"ОАИТБ	Ўзбекистон	284 137,53	минг.сум	9,47
6	"Алокабанк"АТБ	Ўзбекистон	57 369,20	минг.сум	1,91
7	"Траст банк"ХОАББ	Ўзбекистон	575 807,58	минг.сум	19,19
8	"Invest Reserve"ЁАЖ	Ўзбекистон	79 027,20	минг.сум	2,63
8	ХФ "Мансур -М"	Ўзбекистон	71,05	минг.сум	0,002
...					
бошқалар	Жисмоний шахслар		279 538,88	минг.сум	9,32
	Жами		3 000 002,95	минг.сум	100,00

Компания томонидан аҳолии, корхона ва ташкилотларга курсатилган сугурта хизматларининг умумий хажми 2009 йилнинг 9-ой якунига кура 7703451,0 минг сумни ташкил этди, 518 393 мингта сугурта шартномалари тузилди. Сугурта шартномалар буйича олинган сугурта мажбуриятлари 1959248984 минг сумни ташкил этди. Умумий 71 та сугурта тури буйича фаолият олиб бормокда. Компанияда Республика буйича 489 та ходим ва 927 та юридик ва жимоний шахс агентлар фаолият юритишмоқда. Сугурта шартномалари буйича 1472 та сугурта даъволари куриб чиқилди ва шулардан 1372 таси ижобий ҳал этилиб компания томонидан 694255,9 минг сумм сугурта туловлари тулаб берилди.

Компания барча мажбурий сугурта турлари билан шугулланиб келмоқда

-жадвал

Мажбурий сугурта турлари	Шартномалар сони (дона)	Тупланган сугурта мукофотлари (минг сум)
Транспорт эгаларининг фуқаролик мажбурий сугуртаси (ОСГО)	174 260	4 329 703,80
Пассажирларнинг мажбурий сугуртаси	-	3 960,40
Курилиш монтаж рискларининг мажбурий сугуртаси	78	112 387,70
Иш бурувчининг мажбурий фуқаролик сугуртаси (ОСГОР)	33	10 267,00
Всего	174 371	4 456 318,90

2009 йил давомида компания инвестиция куйилмаларининг хажмини купайтиришни фяаол давом эттирди. Умумий 7 253 968,7 минг сумда ва 112 минг Акш долларида инвестиция куйилмалари амалга оширилган.

Келгусида компаниянинг баркарор ривожланишини таъминлаш асосий йуналишлари битирув малакавий ишнинг кейинги бобларида куриб чикамиз.

2.3. “Узбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компанияси фалият тахлили

“Узбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компанияси 1994 йил апрел ойида “Узбекинвест” Миллий сугурта компанияси макоми билан ташкил этилди. 1997 йил февраль ойида “Узбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компанияси этиб қайта ташкил этилиб, унга мамлакат ҳукуматининг экспорт ва инвестицияларни сугурталаш бўйича расмий сугурта агентлиги макоми берилди.

Устав капитали 60 млн.АҚШ долларини ташкил этади, унинг таъсисчилари бўлиб Ўзбекистон Молия Вазирлиги – 83,3% акциялар билан ва УЗР ТИФ Миллий банки – 16,7 фоиз акциялар билан эгаллик қилишади. “Узбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компаниясининг асосий мақсад ва вазифалари – миллий экспортчиларга ва республикадаги хорижий инвестицияларни жалб қилишга ҳар томонлама қумаклашиш ва Ўзбекистон аҳолисини сифатли ва харидорғир сугурта хизматлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Компания ихтиёрида 60 дан зиёд сугурта маҳсулотлари мавжуд. Умумлаштирилганда Компаниянинг сугурта хизматлари қуйидаги йуналишларга бўлинади:

- хорижий инвестицияларни сугурталаш,
- ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини умумий рисклардан сугурталаш,
- экспорт сугуртаси,
- жисмоний шахсларни сугурталаш,
- ҳаётни сугурталаш.

Утган йил республика сугурта бозори учун уни ислох қилиш ва янада ривожлантириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этиб, бу қатор қонуний ҳужжатларда ўз аксини топди. Республика сугурта бозорининг ўсиш қурбаткичлари 2009 йил якунларига қўра охириги беш йил ичида энг юқори бўлиб, сугурта муқофотларининг ҳажми 119 млрд.сумни ташкил этди. 2009

йил ҳақли равишда “Ўзбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компанияси учун ҳам муваффақиятли булганлигини ва компания яна бир бор сугурта бозоридаги етачилиқ мавқеини тасдиқлаганлигини таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда “Ўзбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компанияси муваффақияти-белгиланган натижаларга эришгани, миллий ва халқаро сугурта ва қайта сугурта бозорларида тан олингани, миқозлар базасининг барқарор усиши, профессионал жамоа, сугуртада янги гоёлар ва инновациялардан иборат эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Буларнинг барчаси шубҳасиз ҳало рақобат ва бозордаги ахборот эркинлиги шароитида эришилди.

Компаниянинг 2010 йилдаги асосий мақсадлари бизнес ва аҳолининг манфаатларига сугурта ҳимоясини тақдим этишда юқори усиш суратларини сақлаб қолиш билан бирга сугурта хизматларининг сифатини ошириш ва экспорт-импорт сугуртасининг қуламини кенгайтириш, Компаниянинг ҳудудий инфратузилмасини янада яхшилаш ва сугуртада инновацион технологияларни қуллаш билан ривожлантиришдир.

2009 йил Компания узининг очик – ойдинлик билан фаолият юритиши, сугурта ҳимоясининг ишончлиги ва юқори савияда хизмат курсатиши туфайли, республика сугурта ва қайта сугурта бозорида етакчи урнини яна бир бор тасдиқлаш имқонига эга булди. Жумладан, 2009 йил якунларига қура Компаниянинг маҳаллий сугурта бозоридаги улуши 14,06 фоизни ташқил этиб, сугурта ташкилотлари ичида биринчи бешталикда фахрли иккинчи уринни эгаллаб турибди. Компания уз сугурта портфелининг диверсификациясини таъминлаган ҳолда сугуртанинг деярли барча турларини самарали ривожлантирмоқда.

2009 йил уммумий сугурта бозори буйича амалда келиб тушган муқофотлар ҳажми буйича дастлабки икки уринни давлат улуши иштирок этган сугурта компаниялари: «Ўзагросугурта» ДАСК ва «Ўзбекинвест» ЭИМСК эгаллаб турибди. “Ўзбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта

компанияси фаолияти юридик шахслар билан тузиладиган битимлар улуши ката экани билан фарк килади. Юридик шахслардан тушудиган тушумлар улуши мазкур компания буйича 85,5 % ни ташкил этади. Демак тушумларнинг колган кисми жисмоний шахсларга тугри келади. Умумий сугурта мукофотлари 20 066,9 млн сумни ташкил этади, булардан 17 172,4 млн.сум юридик шахслар билан тузилган сугурта шартномалари тушумлари, 2 894,6 млн.сум жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар буйича.сугурта мукофотлари хажми хисобланади.

Келгусида компаниянинг баркарор ривожланишини таъминлаш асосий йуналишлари битирув малакавий ишнинг кейинги бобларида куриб чикамиз.

III БОБ. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ

3.1. Давлат иштирокидаги суғурта ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш муаммолари

Ўтган бир неча йиллар давомида Ўзбекистоннинг суғурта бозори анча ўзгарди ва суғурта аввлги иқтисодиётнинг ёрдамчи сектори сифатидан, янги стратегик позицияларга кўтарилди. Бу биринчи навбатда республикамиз раҳбарияти томонидан бу секторга бозор инфраструктурасининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида қаралишида намоён бўлаётган давлат сиёсатининг натижасидир.

Мустақиллик йиллари мобайнида суғурта бозорини ривожлантириш учун фундаментал асосни яратишга, унинг ўсиб бориш тенденциясини кучайтиришга, умуман суғурта тизимига бўлган ишончни оширишга қаратилган, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда, иқтисодиётни ушбу сегментини самарали ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини яратишни имконини берувчи, суғурта конунчилигининг тезкор ривожланишига асосий эътибор берилмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришда юридик ва жисмоний шахсларни суғуртаси қарор буйича белгиланган, суғурта мукофотлари, мулкӣ суғурта, узок муддатли ҳаёт суғуртаси соликка тортилмайди. Бу узок муддатли ҳаёт суғуртасини ривожлантиришда, узок муддатли инвестицияларни йиғишда узиш динамикаси узок муддатли ҳаёт суғуртаси механизми буйича амалга оширилади.

Ҳаёт суғуртаси бизнинг мамлакатимизда хали унчалик урин эгалланмаган аммо Европада суғуртанинг бу тури аҳолии орасида жуда машхур ва мустаҳкам поғонага эгадир. Шуларни инобатга олган ҳолда,

суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш юзасидан куйидаги муаммолар ва таклифларни бермокчиман:

Бухгалтерия хисобининг суғурта соҳасига мос эмаслиги. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта компанияларининг бухгалтерия хисобини юритиш тизими умуман суғурта тизимига мос тушмайди. Чунки оддий хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан суғурта компанияларининг фаолияти ўртасида анча катта фарқ бор. Шунинг учун ҳам суғурта фаолияти соҳаси учун бухгалтерия хисоб стандартлари ишлаб чиқилиши зарурдир. Бу суғурта фаолиятини юритаётган ҳар қандай суғурта компанияларнинг фаолиятининг ижобий тамонга ўзгаришига сабаб бўлади.

Ҳаёт суғуртасини ҳозирда унча ривожланмаганлиги. Маълумки суғуртанинг таснифланиши, яъни классификатори икки тармоқга бўлинади. Ҳаёт суғурта тармоғи ва умумий суғурта тармоғи. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси билан фақатгина “Ўзбекинвест Ҳаёт” ШСК компанияси шуғулланади. Бу Ўзбекистон суғурта бозорининг энг катта камчилигидир. Чунки монополия бор жойда рақобат бўлмайди, рақобат бўлмаган жойда эса ўсиш бўлмайди. Демак бу масала устида ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур. Чунки ҳаёт суғурта тармоғини умумий суғурта тармоғига нисбатан жуда орқада қолган. Агар ҳорижий мамлакатлар суғуртасига назар ташласак уларда бу кўрсаткичнинг аксини кўришимиз мумкин. Яъни умумий суғурта тармоғи бўйича фаолият кўрсатувчи компанияларга қараганда ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар сони кўпроқ.

Қайта суғурта компанияларининг камлиги. 2009 йил якунлари бўйича олинган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида қайта суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган суғурта компания фақат иккитани ташкил этмоқда. У ”Transinsurance” қайта суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест» ЭИМСК дир. Ушбу компания ҳозирда суғурта бозорида қайта суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга

бўлган ягона компания бўлиб қолмоқда. Буни ҳам Республикамиз суғурта бозорининг камчиликларидан бири деб қараш мумкин.

Суғурта компанияларининг бўлинмалар сонининг камлиги. Суғурта соҳасида мижозларга сифатли хизмат кўрсатишда, суғурта бозорида етакчилардан бирига айланишда, суғурта маҳсулотининг сотиш ҳажмининг ортишида, суғурта компаниясининг рақобатбардошлигини ортишида суғурта компаниясининг бўлинмалари сони ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон суғурта бозорида бўлинмалари сони кам бўлган, ёки умуман бўлинмаларга эга бўлмаган суғурта компаниялари ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда ҳар бир суғурта компанияси Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида (айниқса чекка қишлоқ жойларида) ўз филиалларига, бўлинмаларига эга бўлишлари муҳим масала бўлиб қолмоқда. Барча суғурта компаниялари шундай даражага етказишлари учун ўз устиларида қаттиқ ишлашлари зарур. Чунки бу суғурта компаниясининг қолаверса суғурта бозорининг ривожланиш омилларидан биридир.

Суғурта бозорининг шаффофлилик даражасининг пастлиги. Суғурта компаниялари рейтингини ташкил қилинмаганлиги, унинг шаффофлик даражаси ҳам афсуски пастлигича қолмоқда. Суғурта бозорини ривожланишидаги муаммолардан биридир. Чунки рейтинг суғурта бозорида очик рақобатнинг шарти ҳисобланади. Бугунги кунда миллий суғурта бозорида фаолият юритувчи суғурта компания рейтингини “Сайпро”, компанияси баҳолайди. Сони жихатдан Ўзбекистонда фаолият курсатаётган компаниялар сонига нисбатан пастдир. Келажакда истардикки, Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритувчи суғурта компаниялари рейтингини машҳур “St.P”, “ Moodies”, “ Fstch” рейтинг компанияларига аъзо бўлиб улар баҳолашини ва халқаро стандартларга жавоб берса мақсадга мувофиқ буларди.

Суғурта бозорининг профессионал қатнашчиларининг фаолият даражасининг ҳали етарлича ривожланмаганлиги. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари, булар кимлар? Суғурталовчи, суғурта

воситачилари (суғурта агенти, суғурта брокера ва қайта суғурта брокери), суюрвейер, аджастер, актуарий, асистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар суғурта бозорининг профессионал катнашчилари бўлиб хисобланишади. Республикамиз суғурта бозорида ушбу проффессионал катнашчиларнинг фаолиятлари қай даражада амалга оширилмоқда. Маълумки ҳозирда суғурта бозорида 32 та суғурта компаниялари, туртта асистанс хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолият юритмоқда. Актуарий, суюрвейер, аджастер ва актуарий хизматларига келсак бу борада жуда орқадамиз десак муболаға бўлмайди. Чунки ушбу хизматлар суғуртанинг фаолиятининг сифатли ва самарали хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Касбий жавобгарликнинг мажбурий суғуртаси жорий қилинмаган.

Агар ривожланган давлатларнинг суғурта тизимига назар ташласак, унда касбий жавобгарлик суғуртасининг кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Хусусан натариуслар, адвокатлар, шифокорлар, баҳоловчилар, риэлторларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш кенг тарқалган. Нега энди ушбу суғурта турларини Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида ҳам йўлга қўйиш мумкин эмас? Бунга етарлича сабаблар бор. Биринчидан ушбу суғурта турларини амалга ошириш учун қонунчилик базаси яратилмаган, иккинчидан ушбу суғурта турлари ҳали унчалик даражада ушбу касб эгалари онгига етиб бормаган. Агар ушбу суғурта тури бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилса ва у тасдиқланиб жамиятга тадбиқ қилинса бу жуда катта самара беради, бунга ишончимиз комил.

Суғурта агентликларининг камлиги. Ҳозирги кунда

Республикамиз суғурта бозорида фаолият кўсатаётган суғурта компанияларимиз кўплаб ўз (жисмоний шахс бўлган) агентларига эгалар. Бу уларнинг қайсидир маънода суғурта маҳсулотларини сотишда ўз самарасини бермоқда, бироқ юридик шахс мақомига эга агентлик шахобчалари ҳозирда суғурта бозоримизда жуда кам. Жойларда хусусан чекка-чекка қишлоқ жойларда агнетлик шахобчаларининг очилиш биринчидан суғурта маҳсулотларини сотилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатса,

иккинчидан бу мижозларга жуда катта қулайликлар яратади. Ҳозирги шароитда агентлик шаҳобчасини очиш унча катта муаммо эмас. Шундай бўлса ҳам бу борада ҳали унча кўп ишлар амалга оширилмаган.

Суғурта компаниялари тамонидан реклама соҳасигага унча этибор берилмаётганлиги. Реклама даражасининг пастлиги ҳам Республикамиз суғурта бозорида яққол кўзга ташланади. Суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта компаниялари муҳим роль ўйнайди. Суғурта компанияларни суғурта бозорида намоён қилишда эса, реклама катта аҳамиятга эга. Реклама канчалик сифатли ва ўзига жалб қила олиш хусусиятига эга бўлса, мижозларни жалб қилиш ҳам шунчалик даражада самарали бўлади. Реклама эса ракобатни ҳам келтириб чикаради. Ўз-уздан келиб чиқадики ракобат бор жойда ривожланиш ҳам бўлади. Шунинг учун рекламага этиборни кучайтириш зарур. Хусусан телевидиния, радио, газета ва журналларда, шаҳримиз кўчаларида афишалар қўйиш йўллари билан. Албатта бу реклама турлари жуда катта ҳаражатни талаб қилади, аммо қачондир ушбу ишларни амалга ошириш керак. Чунки бу суғурта соҳасининг жамият онгига бироз бўлса ҳам кириб боришига таъсир этмасдан қолмайди

Юқорида келтириб ўтган муаммолар ва таклифлар албатта умумий нуқтаи назардан келтириб ўтилган муаммолар ва таклифлардир. Агар Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорига яқинроқ қарайдиган бўлсак, суғурта компанияларида иш олиб борилишини кузатадиган бўлсак афсуски яна бир қатор муаммолар кўз олдимизда намоён бўлади.

Суғурта шартномасини тузиш мобайнида суғурта қилдирувчига суғурта шартномаси билан тўлиқ ва мукамал таништириб ўтилмайди. Натижада суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, суғурта шартномаси имзоланишдан аввал суғурта компанияси ҳодими суғурта қилдирувчига суғурта шартномасидаги унинг мажбуриятларини таништириб ўтилиши лозим.

Суғурта даволарини кўриб чиқишда ҳам етарлича муаммоларимиз бор. Хусусан суғурталанувчи (наф олувчи) суғурта ходисаси содир бўлганидан сўнг суғурта тўловини олиш учун суғурта компаниясига мурожат қилганида у билан бўладиган муносабатларга алоҳида этибор беришимиз зарур. Ҳозирги пайида эса суғурта компаниялари иложи борида суғурта тўловларини амалга оширмасликга ҳаракат қилишади. Бу эса суғуртага бўлган ишончни янада пасайтиради.

Юқорида келтириб ўтган камчилик ва нухсонларни бартараф этмас эканмиз Республикамиз суғурта бозорининг ривожланиши муаммоли масала бўлиб қолаверади. Бу муаммоларни ечиш суғурта соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир инсоннинг вазифасидир.

3.2. Давлат иштирокидаги сугурта ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари

“Ўзбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий сугурта компанияси фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари куйидаги устивор йуналишлар буйича фаолиятни кенгайтиришдан иборатдир:

Биринчи устивор йуналиш- экспорт ва инвестицияларни сугурталашни янада ривожлантириш. Экспорт сугуртаси ривожланганлигининг асосий далили Компания сугурта портфелида экспорт рискларини сугурталаш хажмининг ошганлиги хисобланади. Иктисодий усишни таъминлагда хорижий инвестициялар рағбатлантирувчи омил булиб хизмат килишини эътиборга олган холда хорижий инвесторларнинг манфаатларини сугурта химояси билан таъминлаш Компаниянинг яна бир муҳим стратегик максади хисобланади.

Бу йуналишда Компания куйидагиларни амалга оширишга тугри келади:

- экспорт-импорт операцияларини сугурталашга ахборот кумаги тизимини яратиш буйича ишларини давом эттириш,

- инвестиция лойихаларини маслахат ҳамда услубий жихатдан куллаб-куватлаш рисклилигини баҳолаш буйича ишларни фаоллаштириш. Хусусан, инвестиция лойихаларини молиялаштирувчи маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг етакчи банклари ва молия институтлари билан стратегик ҳамкорликни йулга қуйиш ишларини давом эттириш,

- маҳаллий ва халқаро шериклар- сугурта ва қайта сугурта брокерлари билан ҳамкорлик куламини кенгайтириш⁸ ҳамда янги ҳамкорлик муносабатларни урнатиш йули билан қайта сугурталаш фаолиятини кенгайтириш,

- Компанияга янги бозорларга чиқиш ҳамда қирувчи қайта сугурта хажмини оширишга имконият бқрувчи, молиявий ишончли эканлиги ҳақида халқаро рейтингли олиш.

Иккинчи устивор йуналиш- бизнесни сугурталаш соҳасидаги хизматлар куламини ошириш. Мазкур йуналишдаги ишлар доирасида Компаниянинг тижорат банклари, лизинг компаниялари ва кредит уюшмалари, шунингдек Республика Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлигини фаоллаштириш йули билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини сугурталаш хажмини ошишига олиб келади.

Учунчи устивор йуналиш- аҳоли сугурта хизматлари билан таъминлаш куламини ошириш. Компания сугурта хизматлари бозорини ривожлантиришнинг имкониятларини жисмоний шахсларни сугурталаш ва сугурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришга қаратиши лозим. Аҳолининг ишончли ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш мақсадида, Компания уз ишини хизматларнинг сифати ва тури, ҳаммабоплиги, айниқса кишлоқ жойларида сервис хизмати билан таъминланганлиги, тақдим этилаётган хизматлар бўйича тушунтирув ҳамда реклама-ахборот қумаги мавжудлиги каби омилларга нибатан аҳолининг ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириши лозим. Компания аҳолини шахсий сугурта ҳимояси турлари билан таъминлаш билан бир қаторда, узок муддатли ҳаёт сугуртасини, шу жумладан «Ўзбекинвест Ҳаёт» шубҳа сугурта компаниясининг фаолиятини ҳудудларда ривожлантириш, шу билан бирга мазкур сугурта соҳасида Республика ҳукумати томонидан урнатилган имтиёзларни тушунтириш ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш йули билан кенгайтириш мумкин бўлади.

Сугурталовчиларни тезкор ва сифатли хизмат билан таъминлаш доирасида, ҳудудларда «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлиги фаолиятини кенгайтириш, ушбу вазифа Агентликни ҳудудий ваколатхоналарини очишни, бутун республика бўйлаб миқозларга хизмат курсатувчи тиббий муассасаларнинг тармогини кенгайтириш, Агентликнинг хизмат курсатиш доирасини кенгайтириш мақсадида узрқ ва яқин хориж

мамлакатларнинг ассистанс ва сугурта компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини урнатиш мақсадга мувофиқдир.

Компания томонидан бутун республика бўйича, хусусан кишлоқ жойларида қулайлиги ва сугурта хизматларини тақдим этиш тезкорлиги жиҳатидан мижлазлар талабларига жавоб берадиган алоҳида сугурта бўлинмалари ва ваколатхоналари ҳамда сугурта агентлари тармогини бирлаштирувчи агентлик тармогини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши аҳолии бандлиги ва халқ фаровонлигини оширишда Компаниянинг баҳоли-қудрат ҳиссасини қушишга имконият беради.

Замонавий ПР ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда реклама қилишни уз ичига олувчи фаол реклама стратегиясини амалга ошириш йули билан аҳолининг сугурта маданиятини ошириш ҳамда Компаниянинг сугурта маҳсулотлари ва хизматларидан хабардорлигини таъминлаш, умуман Компаниянинг мижозлари олдида барқарор ижобий жамоат фикрини шакллантиришга қаратилган имидж ва товар репутациясини кенгайтириш.

- Автомоилаштирилган тарзда юритиладиган «Сугурта портфели» маълумотлар базасини яратиш ва такомиллаштириш,
- Даъволар билан ишлашни такомиллаштириш,
- Компания сифатни бошқариш тизимини янада ривожлантириш, Компания фаолиятининг бошқарининг илгор услублари билан ҳамда замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш, сугурта хизматларини тақдим қилишда-сугурта маҳсулотини ишлаб чиқишдан тортиб сотувдан кейинги хизмат қурсатишгача бўлган барча босқичларида сифатни ошириш,
- Компания кадрлар сийсатини режалаштириш, ходимлар танлаш, уқитиш ва рағбатлантиришга тизимли ёндошган ҳолда такомиллаштириш.

Келгусида «Кафолат»ДАСК нинг барқарор ривожланишини таъминлаш ёйид қилиб утилган чора-тадбирлардан ташқари қуйидаги асосий йуналишлар бўйича белгиланган масалаларини ечими билан боғлиқ:

- компания бошқаруа тизимини ва тузилмасини такомиллаштириш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш,- компаниянинг капиталлашув даражасини ошириш, инвестиция ресурслари хажмини купайтириш,

- янги булинмалар фаолиятини ташкил эти шоркали компаниянинг худудий таркибини диверсификациялаш,

- янги жихоз ва технологияларни, ҳамда компаниянинг худудий ишлаб чиқарувчи булинмаларга офисларга сотиб олиш оркали моддий-техника базасини мустахкамлаш,

- сугурта хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда такдим этиш ва б.

«Узагросугурта» ДАСК нинг ривожланиш йуналишлари куйидагилар билан боғлиқ:

- ишончни янада қозониш ва хизматлар сифат даражасини ошириш мақсадида компания ҳар томонлама чора-тадбирларни ишлаб чиқиш,

- соҳадаги ахборот алмашувини ташкил этиш, ахборотларни қайта ишлашнинг тезқорликни таъминлаш, худудий булинмалар марказлаштирилган алоқа тизимига уланиш,

- ҳар бир сугурта тури бўйича тузилган шартномаларнинг электрон базасини яратиш мақсадида компьютер дастурлари ишлаб чиқиш ва худудий булинмаларда жорий этиш,

- тузилган шартномалар бўйича олинган жавобгарликлар доирасида сугурта туловларини ўз вақтида амалга ошириш каби масалаларда тўхтаб ўтиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда куйидаги хулоса ва таклифларга келдик:

Бухгалтерия хисобининг суғурта соҳасига мос эмаслиги. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта компанияларининг бухгалтерия хисобини юритиш тизими умуман суғурта тизимига мос тушмайди.

Ҳаёт суғуртасини ҳозирда унча ривожланмаганлиги. Маълумки суғуртанинг таснифланиши, яъни классификатори икки тармоқга бўлинади. Ҳаёт суғурта тармоғи ва умумий суғурта тармоғи. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси билан фақатгина “Ўзбекинвест Ҳаёт” ШСК компанияси шуғулланади.

Қайта суғурта компанияларининг камлиги. 2009 йил якунлари бўйича олинган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида қайта суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган суғурта компания фақат иккитани ташкил этмоқда. У “Transinsurance” қайта суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест» ЭИМСК дир.

Суғурта компанияларининг бўлинмалар сонининг камлиги. Суғурта соҳасида миждозларга сифатли хизмат кўрсатишда, суғурта бозорида етакчилардан бирига айланишда, суғурта маҳсулотининг сотиш ҳажмининг ортишида, суғурта компаниясининг рақобатбардошлигини ортишида суғурта компаниясининг бўлинмалари сони ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта бозорининг шаффофлилик даражасининг пастлиги. Суғурта компаниялари рейтингини ташкил қилинмаганлиги, унинг шаффофлик даражаси ҳам афсуски пастлигича қолмоқда. Суғурта бозорини ривожланишидаги муаммолардан биридир. Чунки рейтинг суғурта бозорида очик рақобатнинг шарти ҳисобланади.

Суғурта бозорининг профессионал қатнашчиларининг фаолият даражасининг ҳали етарлича ривожланмаганлиги. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари, булар кимлар? Суғурталовчи, суғурта

воситачилари (суғурта агенти, суғурта брокера ва қайта суғурта брокери), суюрвейер, аджастер, актуарий, асистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари бўлиб хисобланишади.

Касбий жавобгарликнинг мажбурий суғуртаси жорий қилинмаган. Агар ривожланган давлатларнинг суғурта тизимига назар ташласак, унда касбий жавобгарлик суғуртасининг кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Хусусан натариуслар, адвокатлар, шифокорлар, баҳоловчилар, риэлторларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш кенг тарқалган.

Суғурта агентликларининг камлиги. Ҳозирги кунда Республикамиз суғурта бозорида фаолият кўсатаётган суғурта компанияларимиз кўплаб ўз (жисмоний шахс бўлган) агентларига эгалар. Бу уларнинг қайсидир маънода суғурта маҳсулотларини сотишда ўз самарасини бермоқда, бироқ юридик шахс мақомига эга агентлик шахобчалари ҳозирда суғурта бозоримизда жуда кам.

Суғурта компаниялари тамонидан реклама соҳасигага унча этибор берилмаётганлиги. Реклама даражасининг пастлиги ҳам Республикамиз суғурта бозорида яққол кўзга ташланади. Суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта компаниялари муҳим роль ўйнайди. Суғурта компанияларни суғурта бозорида намоён қилишда эса, реклама катта аҳамиятга эга.

Юқорида келтириб ўтган муаммолар ва таклифлар албатта умумий нуқтаи назардан келтириб ўтилган муаммолар ва таклифлардир. Биз куриб чиккан суғурта ташкилотлар учун қуйидаги таклифларни келтирамыз.

“Ўзбекинвест” Экспорт-Импорт Миллий суғурта компанияси фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари қуйидаги устивор йуналишлар бўйича фаолиятни кенгайтиришдан иборатдир:

Биринчи устивор йуналиш- экспорт ва инвестицияларни суғурталашни янада ривожлантириш. Иккинчи устивор йуналиш- бизнесни суғурталаш соҳасидаги хизматлар қуламини ошириш. Учунчи устивор йуналиш- аҳоли

сугурта хизматлари билан таъминлаш куламини ошириш. Сугурталовчиларни тезкор ва сифатли хизмат билан таъминлаш доирасида, худудларда «Ўзбекинвест Ассистанс»сервис агентлиги фаолиятини кенгайтириш, ушбу вазифа Агентликни худудий ваколатхоналарини очишни, бутун республика бўйлаб миждозларга хизмат курсатувчи тиббий муассаларнинг тармогини кенгайтириш, Агентликнинг хизмат курсатиш доирасини кенгайтириш мақсадида узрқ ва яқин хориж мамлакатларнинг ассистанс ва сугурта компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини урнатиш мақсадга мувофиқдир.

Компания томонидан бутун республика бўйича, хусусан кишлок жойларида кулайлиги ва сугурта хизматларини такдим этиш тезкорлиги жихатидан миждозлар талабларига жавоб берадиган алохида сугурта бўлинмалари ва ваколатхоналари ҳамда сугурта агентлари тармогини бирлаштирувчи агентлик тармогини кенгайтиришга алохида эътибор бериш лозим. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши аҳолии бандлиги ва халқ фаровонлигини оширишда Компаниянинг баҳоли-кудрат хиссасини кушишга имконият беради.

Замонавий ПР ва оммавий ахборот воситаларидан файдаланган холда реклама килишни уз ичига олувчи фаол реклама стратегиясини амалга ошириш йули билан аҳолининг сугурта маданиятини ошириш ҳамда Компаниянинг сугурта махсулотлари ва хизматларидан хабардорлигини таъминлаш, умуман Компаниянинг миждозлари олдида баркарор ижобий жамоат фикрини шакллантиришга каратилган имидж ва товар реклпмасини кенгайтириш.

- Автомоилаштирилган тарзда юритиладиган «Сугурта портфели» маълумотлар базасини яратиш ва такомиллаштириш,
- Даъволар билан ишлашни такомиллаштириш,
- Компания сифатни бошқариш тизимини янада ривожлантириш,

Компания фаолиятининг бошқарининг илгор услублари билан ҳамда замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш, сугурта хизматларини

такдим килишда-сугурта махсулотини ишлаб чиқишдан тортиб сотувдан кейинги хизмат курсатишгача булган барча босқичларида сифатни ошириш,

- Компания кадрлар сийсатини режалаштириш, ходимлар танлаш, уқитиш ва рағбатлантиришга тизимли ёндошган ҳолда такомиллаштириш.

Келгусида «Кафолат» ДАСК нинг барқарор ривожланишини таъминлаш ыайд килиб утилган чора-тадбирлардан ташқари қуйидаги асосий йуналишлар бўйича белгиланган масалаларини ечими билан боғлиқ:

- компания бошқаруа тизимини ва тузилмасини такомиллаштириш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш,- компаниянинг капиталлашув даражасини ошириш, инвестиция ресурслари ҳажминини қупайтириш,

- янги бўлинмалар фаолиятини ташкил эти шорқали компаниянинг ҳудудий тарқибини диверсификациялаш,

- янги жихоз ва технологияларни, ҳамда компаниянинг ҳудудий ишлаб чиқарувчи бўлинмаларга офисларга сотиб олиш орқали моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,

- сугурта хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда такдим этиш ва б.

«Узагросугурта» ДАСК нинг ривожланиш йуналишлари қуйидагилар билан боғлиқ:

- ишончни янада қозониш ва хизматлар сифат даражасини ошириш мақсадида компания ҳар томонлама чора-тадбирларни ишлаб чиқиш,

- соҳадаги ахборот алмашувини ташкил этиш, ахборотларни қайта ишлашнинг тезқорликни таъминлаш, ҳудудий бўлинмалар марказлаштирилган алоқа тизимиға уланиш,

- ҳар бир сугурта тури бўйича тузилган шартномаларнинг электрон базасини яратиш мақсадида қомпютер дастурлари ишлаб чиқиш ва ҳудудий бўлинмаларда жорий этиш,

- тузилган шартномалар бўйича олинган жавобгарликлар доирасида сугурта туловларини уз вақтида амалға ошириш қабии масалаларда тухтаб утиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтган камчилик ва нуҳсонларни бартараф этмас эканмиз Республикамиз суғурта бозорининг ривожланиши муаммоли масала бўлиб қолаверади. Бу муаммоларни ечиш суғурта соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир инсоннинг вазифасидир.